

## Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 545-ҳадис

545 - وَعَنْ سَمْرَةَ بْنِ جُنْدُبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «إِنَّ الْمَسْأَلَةَ كُلُّ يَكْتُبُ لِهَا الرَّجُلُ وَجْهُهُ، إِلَّا أَنْ يَسْأَلَ الرَّجُلُ سُلْطَانًاً أَوْ فِي أَمْرٍ لَا يُبَدِّلُ مِنْهُ». رَوَاهُ التَّرْمِذِيُّ وَقَالَ: حَدِيثٌ حَسَنٌ صَحِيحٌ [681].

«الْكُلُّ»: الْحَدْشُ وَخَوْهُ.

545. Самура ибн Жундуб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Тиланчилик кишининг ўз юз терисини шилиш, деганидир. Фақат (Аллоҳ фарз этган закот ва шунга ўхшаш нарсаларни) султондан сўраши ҳамда чорасиз ишда бундан мустасно», дедилар.

Ином Термизий ривоят қилиб, ҳасан, саҳиҳ, ҳадис, дедилар.

**Шарҳ:** Ислом тузуми, аввало, ишга қодир бўлган ҳар бир инсоннинг осонлик билан ҳалол ризқ топишини таъминлайди. Лекин инсон ҳаёти доимо бирдек кечавермайди, турли фавқулодда ҳолатлар, кутилмаган ҳодисалар оқибатида баъзи кишилар нокулай иқтисодий ҳолатга тушиб қоладилар. Бундай ҳолатлар садақа, хайр-эҳсон йўли билан муолажа қилинади. Ўта бой кишилардан маълум миқдордаги молу мулк закот сифатида фарз ҳукми или олинниб, ҳақдорларга тарқатилади.

Сўнгра қодир бўлган барча кишиларни ихтиёрий садақа қилишга тарғиб қилинади.

Шу билан бирга, муҳтожларни ҳам одоб доирасидан чиқмаслик, юқоридаги

оятда айтилганидек, хирадик билан одамлардан тиланчилик қилмасдан, иффатли-қаноатли бўлишга чақирилади.

Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи қилган ривоятда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтадиларки: Пайғамбар алайҳиссолату вассалом: «Бир-икки хурмо ёки бир-икки луқмани олиб, қайтадиган мискин эмас, иффатли бўлиб турган мискинdir, хоҳласангиз, «Одамлардан хирадик қилиб сўрамалар» оятини ўқинг», – дедилар.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал розияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Пайғамбарамиз алайҳиссолату вассалом:

- Ким ўзида етарли нарса бўла туриб, одамлардан тиланса, қиёмат куни тиланчилиги юзида тирналиш бўлиб келади, – дедилар. Одамлар:

- Эй Аллоҳнинг Расули, етарли нарса қанча? – дедилар. У зоти бобракот:

- Эллик дирҳам, – дедилар.

Шундан келиб чиқиб, «Етарли нарсаси бор одамга тиланчилик қилиш ҳаром» деган ҳукм чиқарилган.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

